



Volume 1, Issue 1(8), 2022

Journal of Physics and Technology Education



<https://phys-tech.jspi.uz/>

Chief Editor:

Sharipov Shavkat Safarovich

Doctor of pedagogy, Professor, Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

Bekmirzaev Rakhmatulla Nurmurodovich

Professor of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Orishev Jamshid Bahodirovich

Teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sodikov Khamid Makhmudovich, PhD

Ismailov Tuychi Djabbarovich, senior teacher

Muminov Ismail, dotsent

Kholmatov Pardaboy Karabaevich, dotsent

Umarov Rakhim Tojievich, dotsent

Murtazaev Melibek Zakirovich, dotsent

Abduraimov Sherali Saidkarimovich, dotsent

Taylanov Nizom, senior teacher

Tagaev Khojamberdi, senior teacher

Alibaev Turgun Chindalievich, PhD

Editorial Representative:

Jamshid Orishev

Phone: +998974840479

e-mail:

jamshidorishev@gmail.com

**ONLINE ELECTRONIK
JOURNAL**

“Fizika va texnologik ta’lim” jurnali

Журнал “Физико-технологического образования”

“Journal of Physics and Technology Education”

Indexed By:



Published By:

<https://phys-tech.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan



Nashr kuni: 2022-01-25

MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS/ АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES / СТРАНИЦЫ
1	<i>Mirzayev Elnur Maxmanazar o'g'li</i>	<i>Tekisliklarning o'zaro kesishish chiziqlarini aniqlashning nazariy hamda amaliy bosqichlari</i>	6-11
2	<i>Mirzayeva Gulmira Maxmanazar qizi</i>	<i>Yog'och o'ymakorligida ta'sviriy san'at elementlaridan foydalanish</i>	12-15
3	<i>Ruzmatova Feruza G'iyasiddinovna</i>	<i>Tasviriy san'at va amaliy bezak san'atining qisqacha tarixi hamda mazmun mohiyati</i>	16-19
4	<i>Berdiyev Ozod Safarovich</i>	<i>Chizmachilik darslarida grafik dasturlardan foydalanish - sifatli ta'lim garovi</i>	20-23
5	<i>Xudoyberdiyev Pardaboy</i>	<i>Qiyofadan o'qish san'ati</i>	24-28
6	<i>Xaydarova Malika, Yuldashev Bahodir</i>	<i>Bo'slang'ich ta'lim jarayoniga individual endashuvni ta'dbiq etish usullari</i>	29-34
7	<i>Xaydarova Malika Djamsiddinovna</i>	<i>Bo'slang'ich ta'lim jarayoniga individual endashuvni ta'dbiq etishning usullari</i>	35-40
8	<i>Baxronova Adiba Ismailovna</i>	<i>B'ulajjak bo'slang'ich sinf o'qituvchilarini darsdan tashqari tarbiyaviy faollashtirish amaliyotlarini yanada yanishtirish usullari</i>	41-48
9	<i>Oltmishev To'xir Turg'unovich</i>	<i>“Mona Liza” sirlari ?</i>	49-54
10	<i>Ibragimov Abdurahim, Murodova Dilдора</i>	<i>Oliy ta'limda talabalarini o'qitishda kompyuter grafikasinig ahamiyati va vazifalari</i>	55-58
11	<i>Baymurzayeva Oykarim Shodiyevna</i>	<i>Ijtimoiy hayotda san'atning o'rni</i>	59-66
12	<i>Rahimov Azizbek Yaxshiboyevich</i>	<i>Ko'ngilochar maskanlarning ahamiyatli jihatlari</i>	67-70
13	<i>Rahimov Azizbek, Parmanova Jumagul</i>	<i>Rassom asarlarida ayol timsoli</i>	71-75
14	<i>Umirov Abdinazar Atabayevich</i>	<i>Chizmachilik darslarida muammoli vaziyatlar yaratish va uni bartaraf etish usullari</i>	76-78
15	<i>Umirov Abdinazar Atabayevich</i>	<i>Avtomatlashtirilgan o'qitish dasturlaridan chizmachilik darslarida foydalanish metodikasi</i>	79-83
16	<i>Umirov Abdinazar Atabayevich</i>	<i>To'g'ri burchakli proyeksiyalash metodini o'rgatish usullari</i>	84-90
17	<i>Umirov Abdinazar Atabayevich</i>	<i>Chizmachilikdan fakultativ darslarni tashkil qilish va ularni o'tkazish metodikasi</i>	91-97
18	<i>Xudoynazarova O'g'iloy Sharifovna</i>	<i>Rassomlik mashg'ulotlarida gipsdan ishlatish usullari</i>	98-103
19	<i>Xudoynazarova O'g'iloy Sharifovna</i>	<i>Bo'lajak rassom-pedagoglarga portret janrida ijod qilgan buyuk rassomlarning asarlarini</i>	104-108

		<i>o'rgatishning ahamiyati</i>	
20	<i>Xudoinazarova Ўзгилрой Шарифовна</i>	<i>Rangtasvirida portret ishlashning metodik asoslari</i>	<i>109-114</i>
21	<i>Xudonazarova O'g'iloy Sharifovna</i>	<i>Bolaga rasm chizishni o'rgatishning ahamiyati</i>	<i>115-118</i>
22	<i>Soliyev Jo'ramurot, Umirova Nilufar, Egamova Ozoda</i>	<i>Umumta'lim maktablarida tasviriy san'at darslarini o'qitish uslubi</i>	<i>119-122</i>
23	<i>Soliyev Jo'ramurod, Umirova Nilufar</i>	<i>O'rta umumta'lim maktablarida tasviriy san'at fanini o'qitish samaradorligini oshirish omillari</i>	<i>123-127</i>
24	<i>Soliyev Jo'ramurot, Umirova Nilufar, Egamova Ozoda</i>	<i>Manzara janrini ishlashda o'quvchilar qiziqishini oshirish</i>	<i>128-132</i>
25	<i>Oltmishev Toxir Turg'unovich</i>	<i>Naturaning o'ziga qarab rasm chizishda buyumlarning o'zaro nisbatlarini to'g'ri topish qoidalari</i>	<i>133-137</i>
26	<i>Oltmishev Toxir Turg'unovich</i>	<i>Maktablarda tasviriy san'at darslarining o'qitilish tartibi va mazmuni</i>	<i>138-141</i>
27	<i>Oltmishev Toxir Turg'unovich</i>	<i>Tasviriy san'at asarlarini yaratishda perspektivaning ahamiyati</i>	<i>142-146</i>
28	<i>Baymurzayeva Oykaram Shodiyevna</i>	<i>Boburiylar davrida nafis tasviriy san'at</i>	<i>147-152</i>
29	<i>Baymurzayeva Oykaram Shodiyevna</i>	<i>Miniatyura san'atida kompozitsiya asoslari</i>	<i>153-156</i>
30	<i>Baymurzayeva Oykaram, Mamatkulova Afruza</i>	<i>Tasviriy san'at maktablarida o'quvchilarni rassomchilik san'ati vazifasi va obrazli jihatlari bilan tanishtirish</i>	<i>157-159</i>
31	<i>Maxmudov Abdunabi Abdug'afforovich</i>	<i>Chizmachilik darslarida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanib ta'lim samaradorligini oshirish</i>	<i>160-164</i>
32	<i>Xudoyberdiyev Mirolim Iskandar o'g'li</i>	<i>Hajm, fazo va materiallik</i>	<i>165-171</i>
33	<i>Bozorov Fayziddin, Umarov Muhammadsharif</i>	<i>O'quvchilarga rangtasvir asarlarini yaratilishida qalamtasvirning ahamiyatini tushuntirish</i>	<i>172-177</i>
34	<i>Xudoyberdiyev Mirolim Iskandar o'g'li</i>	<i>Talabalarda qisqa muddatli etyudlarni ishlash metodikasini rivojlantirish</i>	<i>178-181</i>
35	<i>Xudoyberdiyev Mirolim Iskandar o'g'li</i>	<i>Tasviriy san'at darsi mashg'ulotlarda natyurmort qo'yilmasini tuzish</i>	<i>182-184</i>
36	<i>Xudoyberdiyev Mirolim Iskandar o'g'li</i>	<i>Tasviriy san'at darslarida akvarel bo'yog'ida natyurmort ishlash kompetensiyalarini rivojlantirish</i>	<i>185-188</i>
37	<i>Turapova Ra'no Barat qizi</i>	<i>O'yin faoliyati haqida olimlarning ilmiy- nazariy qarashlari</i>	<i>189-193</i>

38	<i>Toshpulatov Fakhriddin Uralovich</i>	<i>Use of geometric patterns and their types from eliminations of drawing and applied art in architectural facilities</i>	194-198
39	<i>Toshpulatov Faxriddin Uralovich</i>	<i>Chizmachilik fanini tabiiy hodisalar bilan amaliy bog'liqligi</i>	199-207
40	<i>Pardayev Baxtiyor Abdujabborovich</i>	<i>Iliq va sovuq ranglar hamda ularning rangtasvirda qo'llanilishini o'quvchilarga o'rgatish texnologiyasi</i>	208-210
41	<i>Pardayev Baxtiyor Abdujabborovich</i>	<i>Amaliy mashg'ulotlar jarayonida talabalarga natyurmort kompozitsiyasini ishlashni o'rgatish</i>	211-214
42	<i>Pardayev Baxtiyor Abdujabborovich</i>	<i>Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarining kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirishda mustaqil va amaliy ishlarning ahamiyati</i>	215-218
43	<i>O'taboyev Baxtiyor Safarovich</i>	<i>Akvarelda ishlash texnologiyasi va usullari</i>	219-227
44	<i>O'taboyev Baxtiyor Safarovich</i>	<i>Amaliyotda talabalarga manzara ishlash jarayonida mayda bo'laklariga ahamiyat berib ishlashni o'rgatish</i>	228-233
45	<i>O'taboyev Baxtiyor Safarovich</i>	<i>Talabalarining moybo'yoqda portret ishlash kompetensiyalarini shakllantirish</i>	234-238
46	<i>Nurnazarov Xudoyberdi Doniyorovich</i>	<i>Hozirgi zamon o'zbek multiplikatsiyasining ba'zi muammolari</i>	239-242
47	<i>Nurnazarov Xudoyberdi, Normatov Shuxrat</i>	<i>Etnografik muzeylarning bugungi kundagi o'rni</i>	243-246
48	<i>Nurnazarov Xudoyberdi, Qo'shoqova Muxlisa</i>	<i>Milliy matolarning ekspluatatsion xususiyatlari</i>	247-250
49	<i>Nurnazarov Xudoyberdi Doniyorovich</i>	<i>Jamoat binolari interyeri dizaynida milliylik g'oyalari</i>	251-255
50	<i>Rahimov Azizbek Yaxshiboyevich</i>	<i>Muzey rivojidadagi istiqbolli rejalar (qo'qon shahar o'lkashunoslik muzeyi misolida)</i>	256-259
51	<i>Azizbek Rahimov, Normatov Shuxrat</i>	<i>Milliy ruxdagi ganch o'ymakorligi</i>	260-263
52	<i>Ибрагимов Абдурахим</i>	<i>Бўлажак ўқитувчиларни компьютер графикасини ўқитишдаги асосий вазифалар</i>	264-268
53	<i>Maxmudov Abdunabi Abdug'afforovich</i>	<i>Muhandislik grafikasi fanlarining boshqa fanlar bilan aloqadorligi va integratsiyasi</i>	269-274
54	<i>O'rozboqova Dilnura Barot qizi</i>	<i>Amaliy san'at asarlarini yaratishda badiiy bezatish uslublari</i>	275-278
55	<i>O'rozboqova Dilnura Barot qizi</i>	<i>O'zbekiston milliy hunarmandchiligining zamonaviy amaliy san'atdagi o'rni</i>	279-282

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ДАРСДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Бахронова Адиба Исмаиловна

*Бухора Давлат Университети, Бошланғич таълим методикаси кафедраси
ўқитувчиси, Бухора ш., Ўзбекистон
e-mail: airwaysutair.vko@mail.ru*

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятни амалга оширишга тайёрлаш йўллари ҳақида фикр юритилган бўлиб, унда талабаларнинг тарбия назарияси ва методикаси курсини ўрганишидаги педагогик имкониятлари, стратегиялари баён қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: ўқитувчи, дарсдан ташқари тарбиявий фаолият, педагогик шакллар, методлар, мустақил иш, топшириқ, ақлий қобилият, қизиқиш, педагогик амалиёт, илгор педагогик фикрлар, замонавий педагогик технологиялар, касбий фаолият хусусиятлари, тарбиявий функциялар.

Аннотация. В статье рассматриваются способы подготовки будущих учителей начальных классов к внеклассной образовательной деятельности, описываются педагогические возможности и стратегии учащихся в изучении теории и методики обучения.

Ключевые слова и фразы: педагог, внеклассная образовательная деятельность, педагогические формы, методы, самостоятельная работа, задание, умственные способности, интерес, педагогическая практика, передовые педагогические идеи, современные педагогические технологии, особенности профессиональной деятельности, воспитательные функции.

Annotation. This article discusses ways to prepare future primary school teachers for extracurricular educational activities, which describes the pedagogical opportunities and strategies of students in the study of the theory and methods of education.

Key words and phrases: teacher, extracurricular educational activities, pedagogical forms, methods, independent work, assignment, mental ability, interest, pedagogical practice, advanced pedagogical ideas, modern pedagogical technologies, features of professional activity, educational functions.

Ўзбекистон жамиятининг бугунги тараққиёт даражаси ва истиқболдаги ривожланиш имкониятлари янги таълим-тарбия тизимини ташкил этишни тақозо қилмоқда. Мазкур ўқув тарбия жараёнида ўқувчи ҳамда талабаларга жамият ҳаёти учун масъуллик, ватанпарварлик, фидоийлик, янги ғояларни илғари суриш каби сифатларни шакллантириш етакчи аҳамият касб этади.

Натижада улар ўзлари ва касбий лаёқатларига нисбатан ишонч туйғусига эга бўладилар. Худди мана шу сифатларни шакллантиришга йўналтирилган узлуксиз таълим тизимини мазмунан ривожлантириш ва шаклан бойитишнинг ҳуқуқий меъёрий асослари Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси [1], Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси [2], Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепция [3] ларида ўз ифодасини топган.

Замонавий таълим тизимларининг ривожланиши шароитларида бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлаш муаммосига эътиборнинг кучайиши жамиятнинг ёш авлод тарбиясига талабларнинг ортганлиги ва педагогик ОТМ битирувчиларининг тарбиявий фаолиятга тайёрликлари даражаси ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш зарурати билан боғлиқ.

Тарбия жараёни мураккаб ва кўп қиррали ҳисобланади. Унинг муваффақиятлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратига боғлиқ. Айниқса бошланғич синф ўқитувчисининг роли аҳамиятлидир, чунки айнан ундан ўқувчиларнинг дунёқарашга оид ва ахлоқий йўналганликларининг асосларини тарбиялаш талаб этилади.

Аммо кузатишларимиз натижасида қўлга киритилган диагностик материаллар, уларнинг ишларидаги одатий қийинчиликлар таҳлилари, талабаларнинг педагогик амалиётлари вақтидаги кузатишлар уларнинг тарбиявий фаолиятга тайёргарлик даражаларининг етарли эмаслиги тўғрисида хулосага келиш имконини беради. Бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларни тарбиялашга яхлит ёндашувнинг заруратини тўлиқ меъёрда англамайдилар, тарбиявий вазифаларни лойиҳалаш ва амалга оширишда кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар, кўпинча тарбиянинг умумий мақсадларини аниқ педагогик вазиятларга кўчира олмайдилар, ҳақиқий шароитларда уларни амалий фаолият воситасига айлантира олмайдилар.

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолатнинг сабабларидан бири бўлажак бошланғич синф ўқитувчилардан илғор педагогик фикрни, инсонпарварлик ғояларини ва замонавий педагогик технологияларни сифатли эгаллашни, тарбиявий фаолиятнинг қонуниятларини назарий англашни талаб этувчи бўлажак касбий фаолият хусусиятларининг тарбиявий функцияларини амалга оширишга уларни назарий ва амалий тайёрлашга номувофиқлиги ҳисобланади.

Уларни бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш амалий тажрибасини англашга рағбатлантириш, педагогик билимларни уларни амалда жорий этиш даражасига кўчиришларини таъминлаш зарур. Биз ишлаб

чиққан бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тарбиявий фаолиятга касбий тайёрлаш тизими талабаларда тарбия соҳасидаги фундаментал билимларни шакллантиришга, уларнинг тайёргарликларидаги назарий ва амалий компонентларнинг оптимал мувофиқлигини, битирувчиларнинг мактабнинг ўзгарувчан шароитларига қулай мослашишларини таъминлашга йўналтирилган.

Тарбия назарияси ва методикасини ўрганишда мустақил ишлар талабаларнинг тарбия муаммоларини чуқур ва ижодий ўзлаштиришларига, бўлажак ўқитувчиларнинг мактабда самарали амалий фаолият учун назарий билимларнинг ролига эътиборсизликларини енгиш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантиришга йўналтирилган. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ўрганилаётган фан тузилишида унинг ўрни, ҳажми ва мазмунини белгилаш муҳим бўлганлиги сабабли, биз томонимиздан маърузаларда ўрганишни талаб этувчи, тарбия соҳасидаги назарий қондалар, асосий педагогик тоифалар ажратилган ва мустақил ўрганиш учун алоҳида мавзулар, аниқ масалалар белгиланган.

Мустақил бажариш учун турли мураккаблик даражасидаги ишлаб чиқилган топшириқлар талабаларнинг билиш-излаш фаолиятлари ва ижодий фаолликларининг аста-секин ўсишига қўмаклашади, уларнинг аудитория машғулотларига тайёргарликлари сифатини оширади. Топшириқлар асосида маълум мавзунинг етакчи назарий қондалари ётади. Барча топшириқлар бир неча гуруҳларга ажратилган.

Биринчи гуруҳга назарий материални мустаҳкамроқ ва онгли ўзлаштиришга ёрдам берувчи, репродуктив ва репродуктив-ижодий топшириқлар киради: ўқитувчи томонидан тавсия этилган педагогик адабиётни ўрганиш, даврий нашрдан мақолаларни танлаш ва таҳлил қилиш, аннотация ва тақризлар ёзиш, таққослаш, фикрлаш, умумлаштириш учун топшириқлар.

Иккинчи гуруҳни ижодий-репродуктив хусусиятдаги топшириқлар ташкил этиб, улар назарий билимларни касбий-амалий фаолиятда қўллашни актуаллашишини таъминлайди. Бу мактабдаги кузатишлар ва олинган натижаларни назарий асослаш, педагогик вазиятларнинг таҳлили ва моделлаштирилиши, тарбиявий жараённинг алоҳида томонларини лойиҳалаш учун топшириқлардир. Мазкур топшириқларнинг мажмуи педагог тарбиявий фаолиятининг моҳиятини акс эттиради. Уларни бажариш шунчаки назарияни билишни эмас, балки талабалардан шундай билимларни талаб этадики, уларга таяниб талабалар энг мақсадга мувофиқ амалий ҳатти-

харакатлар танловини амалга ошира оладилар. Масалан, “Тарбия методлари” мавзусини ўрганиш аниқ тарбия методларини, уларни танлашнинг педагогик мақсадга мувофиқлигини асослаш билан амалга оширишни талаб этувчи педагогик вазиятларни лойиҳалаш бўйича, ишонч, эркин танлов, муваффақият вазияти, фойдаланиладиган усулларга (“яширин ёрдам”, шахсий ўзига хослий, фаолият мотивини кучайтириш, “имконият бериш” ва ҳ.к.) асосан уларнинг турли вариантларини лойиҳалаш билан тарбиявий вазиятларни моделлаштириш бўйича топшириқларни бажариш билан боғлиқ.

Психологик-педагогик билимларни фаоллаштириш талабаларнинг тарбиявий вазифаларни аниқлашларига имкон беради. Бундай тарбиявий вазифаларни ечишда бундай вазиятларни, улардан фойдаланиш самарадорлиги шароитларини яратишга йўналтирилган.

Учинчи гуруҳга ижодий топшириқлар киритилади. Улар орасида талабаларнинг қизиқиш ва имкониятларини инобатга олиб, танлов учун таклиф этиладиган вариатив топшириқлар: ўқитувчининг тарбиявий фаолиятининг турли жиҳатлари бўйича замонавий илмий-педагогик адабиётлар шарҳини тузиш, маърузалар, рефератлар тайёрлаш ҳамда синфдан ташқари тарбиявий топшириқлар конспектларини ишлаб чиқиш бўйича мажбурий топшириқлар мавжуд.

Топшириқлар лаборатория-амалий машғулотлар ва коллоквиумлар мавзулари билан бевосита боғланган бўлиб, бу ўқитувчига талабаларнинг мустақил ишларининг оператив назоратини амалга ошириш имконини беради ва аудитория машғулотларининг амалий йўналганлигини таъминлайди.

Топшириқлар тизими бўйича ишлар амалий машғулотларда педагогик вазифаларни ечиш, мунозаралар, технологик ва дидактик ўйинлар, тренинглар ўтказиш билан тўлдирилади. Улар орасида талабалар аудиториясида синфдан ташқари тарбиявий машғулотларни “ижро этиш” алоҳида ўрин эгаллайди, бу эса мактаб ғаётининг одатий шароитларини, оптимал ечимни топиш ва қабул қилиш талаб этиладиган ностандарт вазиятларни моделлаштириш орқали талабаларни мактабга яқинлаштириш имконини беради.

Бундай амалий машғулотларнинг консультациялари ва тайёргарлигида, шунингдек кейинги ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўтказилган тарбиявий ишларнинг ёки парчаларининг муҳокамасида талабаларнинг эътиборлари синфдан ташқари тарбиявий машғулотлар мақсадларини аниқ белгилаш, унинг мазмунини қўйилган мақсадларга мос равишда, ўқувчиларнинг ёш ва

қизиқишларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш, қизиқарлилик элементларидан ва эмоционал қўллаб-қувватлаш усулларидан фойдаланишга қаратилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тарбиявий фаолиятга кейинги жалб этиш, амалий тажрибани тўплаш ва унинг назарий ўзлаштирилиши узлуксиз педагогик амалиёт давомида содир бўлади.

Мазкур амалиётнинг мақсадли установкалари ва вазифалари унинг ички динамикасини акс эттиради ва талабаларда бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш соҳасидаги касбий кўникмаларни дастлабки шакллантириш билан боғлиқ. Талабаларга ўқитувчининг тарбиявий фаолиятининг турли жиҳатларини кузатиш ва ижодий таҳлил қилиш, тарбиянинг назарий материали ва амалий вазифаларини ечиш тажрибаси ўртасидаги алоқадорликни ўрнатиш, ўқитувчи раҳбарлиги остида амалий машғулотларда олдиндан ишлаб чиқилган синфдан ташқари тарбиявий машғулотларни мустақил ўтказиш имконияти тақдим этилади. Талабаларнинг амалий тарбиявий фаолиятда иштирокларида унинг педагогик назария билан уйғун алоқадорлиги шароитида тарбиявий жараёнга таҳлилий ёндашувни ривожлантиради, педагогик тафаккурни шакллантиришга ёрдам беради, ижодга ундайди.

Шу тариқа, бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларини тарбиявий фаолиятга тайёрлаш тузилишли-технологик харитасидан фойдаланиш билан «Тарбия назарияси ва методикаси» курсини ўрганиш бўйича аудитория машғулотлари (маърузалар ва амалий машғулотлар) ва аудиториядан ташқари мустақил ишларни ҳамда узлуксиз педагогик амалиётни қамраб олувчи тизимни ифодалайди. Мазкур тизим ташкил этувчилари мантиқан ўзаро алоқадор ва умумий кўринишда бўлажак ўқитувчиларда зарурий билим доирасини шакллантириш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган. Мазкур билимлар ва кўникмаларнинг интеграциясига бешинчи ва олтинчи семестрлардаги узлуксиз педагогик амалиёт хизмат қилади.

Талабаларни бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашга келгуси тайёрлаш юқори курсларда бир-бирини уйғун равишда тўлдирувчи “Мактаб тарбия тизимлари” танлови курси, талабаларнинг ўқув-тадқиқотчилик ишлари ва саккизинчи ҳамда тўққизинчи семестрлардаги ўқув педагогик амалиётлари доирасида амалга оширилади. Танлов бўйича курс мавзуси тасодифий ҳисобланмайди. Замонавий мактабнинг тарбиявий имконияти

унда ўқувчиларнинг шахсий ривожланишларига йўналтирилган, инсонпарвар тарбиявий тизимни яратиш асосида самарали амалга оширилиши мумкин.

Инсонпарварлик хусусиятидаги миллий тизимлар ўтмишда мавжуд бўлган, ҳозирги кунда амалда қўлланади, улар амалга оширилиб, ривожлантирилади, қайта тузилади. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган турли-туман тарбиявий тизимларни фарқлаш олиш, уларнинг ривожланиш мантиқини тушуниш, мактаб ҳаётида муваффақиятли кириш, унинг тарбиявий тизимининг ғоялари ва кадриятларини қабул қилиш учун бўлажак ўқитувчилар тарбиявий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишининг умумий қонуниятларини билишлари ва шу билан биргаликда уларнинг ўзига хослигини, улар юзага келган шароитлар доирасидаги уларнинг хусусиятларини тушунишлари зарур. Шунинг учун талабаларнинг “Тарбия назарияси ва методикаси” курсини ўрганиш давомида эгаллаган, тарбиявий тизимларнинг назарияси ва амалиёти бўйича дастлабки билимлари ўзини ривожланиши ва такомиллашишини талаб этади.

Танлов бўйича курснинг мазмунида тарбиявий тизимларнинг концептуал асослари, тарбиявий тизим моделини ишлаб чиқишнинг методик жиҳатлари, уни инсонпарварлаштириш шарт-шароитлари очиб берилди. Назарияни ўрганиш жараёнида талабаларнинг эътиборларини тарбиявий тизимларни яратишнинг тарихий тажрибасига жалб этиш, уларнинг асосида ётувчи ғояларнинг бугунги кундаги ҳақиқий тажриба билан ўзаро алоқадорлиги ва узлуксизлигини кўришга кўмаклашиш зарур. Бунга талабалар томонидан миллий ва хорижий мактаб тарихидаги инсонпарвар тарбиявий тизимлар тўғрисида, уларнинг замонавий тарбиявий тизимлар билан қиёсий тавсифлари тўғрисида реферат тайёрлашлари ёрдам беради.

Танлов бўйича курснинг асосий вазифаси нафақат талабаларнинг тарбиявий тизимлар назарияси соҳасидаги билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, балки бўлажак ўқитувчиларни уларни яратиш амалиётига жалб этиш ҳам ҳисобланади. Талабалар турли тарбиявий тизимларни таҳлил қилиб, уларнинг моҳиятли тавсифларини аниқлайдилар, улардан ҳар бирининг ўзига хослигини англайдилар. Бундай таҳлил ва кейинги мунозаралар олимлар, амалиётчи педагогларнинг мактаб ва тарбиявий тизимга турли қарашларини тушунишга ёрдам беради, у ёки бу педагогик ғоялар ва амалларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ўйлашга ундайди, педагогик жамоаларнинг тарбиявий тизимларни яратишга ижодий ёндашувларини кўриш имконини беради.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини аниқлаш мактабининг тарбиявий тизими концепцияси доирасида курс ишларининг қуйидаги мавзулари таклиф этилади: “Тарбияда шахсий-йўналтирилган ёндашув бошланғич синф ўқувчиларининг ўз-ўзини ривожлантириш шарти сифатида”, “Дарснинг ноанъанавий шакллари ўқувчиларнинг билишга оид мустақилликларини ривожлантириш воситаси сифатида”, “Қўшимча таълим тизимида ўқувчиларнинг шахсий ривожланишлари”, “Бошланғич синф ўқувчиси таълимда ўзини-ўзи амалга ошириши учун шароитларни яратиш мақсадида ўқитувчи ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги”, “Коррекцион синфларда болага индивидуал ёндашув” ва ҳ.к.

Аждодларимиз мероси воситасида миллий маданиятни ривожлантириш Ўзбекистон республикаси давлат сиёсатида устивор ўрин эгалламоқда. Мазкур ёндашув Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси[4]да ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ўқувчиларнинг ахлоқий ривожланишлари тарбиявий тизимлари концепциясининг ўзига хослиги курс ишларининг қуйидагича мавзуларида акс этган: “Тўзаллик ва яхшилиқнинг ўзаро алоқадорлиги бошланғич синф ўқувчиларида инсонпарварликни тарбиялаш воситаси сифатида”, “Мактабнинг тарбиявий тизими шароитларида бошланғич синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантириш”, “Бошланғич синфдаги дарсларда ўқувчиларни ахлоқий кадриятларга жалб этиш усуллари”, “Ўлкашунослик материаллари асосида ўқувчиларда фуқаролиқни тарбиялаш”, “Дам олиш шароитларида бошланғич синф ўқувчиларини миллий анъаналарга жалб этиш” ва ҳ.к. Индивидуал мавзулар бўйича тажриба-синов ишлари талабаларнинг мазкур мактаблардаги педагогик амалиётлари даврида амалга оширилади.

Талабаларнинг тадқиқотчилик ишлари ва педагогик амалиётлари билан биргаликдаги махсус курсни ташкил этиш бўлажак ўқитувчиларга шахсий тарбиявий тизимларини қуриш мақсадида, мактабнинг педагогик жамоаси томонидан олиб бориладиган тадқиқотчилик ишларининг иштирокчиси бўлиш имконини беради, шахсий ижодий имкониятларини аниқлашга кўмаклашади.

Умуман олганда, бундай тайёргарлик талабаларда мактаб тарбиявий тизимлари назарияси ва амалиёти соҳасидаги фундаментал билимларини шакллантиради ва бу университет битирувчиларининг тарбия соҳасидаги касбий компетентликлари асосини эгаллашларига ҳамда уларнинг замонавий мактаб шароитларига муваффақиятли мослашишларига ёрдам беради.

Фойдаланилган манбалар

1. Педагогика: энциклопедия. II жилд./ Тузувчилар: Жамоа.- Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2015, 368 б.
2. Мақсудов У.Қ. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик тизими// Пед. фан. бўйича фалсафа док (PhD).дисс. ... – Наманган, 2021. – 117 б.
3. XM Djamshitovna. The Didactic Potential of Modern Information Technologies in Achieving the Professional Competence of the Future Teacher// International Journal of Culture and Modernity 11, 201-204-бетлар.
4. XM Djamshitovna. Pedagogical Opportunities for Implementing an Individual Approach to the Primary Educational Process// International Journal of Culture and Modernity 11, 192-195-бетлар.
5. Хайдарова М.Д. Способы реализации индивидуального подхода к начальному образованию // European research. № 6(64), 2020. С. 71.
6. Хайдарова М.Д. Роль интеграции в школьном образовании // Педагогика и современность, 2013. № 4. С. 33-36.
7. Хайдарова М.Д. Интеграция уроков технологии с другими предметами // Теория и практика современной науки, 2019. № 5. С. 755-758.
8. Djamshidovna X.M. Mechanisms for implementing an individualized approach to primary education // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol., 2020. Т. 8. № 1.
9. Хайдарова М.Д., Юлдашев Б. Н., Узбекистан Б. Информационные технологии в трудовом обучении школьников //teacher Namangan region, Norin district school № 40 Uzbekistan, Namangan city training of dialogical speech in the english language, 2019. С. 542.
10. XM Djamshitovna. Pedagogical Opportunities for Implementing an Individual Approach to the Initial Educational Process// European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630) 12, 252-255

